

Марҳумларни яхшилик билан зикр қилиш | Сийрат дарслари (364-дарс)



19:00 / 30 январь 733

845. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қиёмат куни, албатта, ҳақларни ўз эгасига адо қиласизлар. Ҳатто шохли қўйлардан шохсиз қўйлар учун ўч олинади»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

846. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қиёмат куни одамлар орасида биринчи ажрим қилинадиган нарса қонлардадир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

847. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ўлганларни сўкманглар, чунки улар қилган амаллари(нинг оқибати)га етиб бўлишган»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Бошқа ривоятда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида марҳум одамни ёмонлик билан зикр қилишди. Шунда у зот: **«Марҳумларингизни яхшилик билангина зикр қилинглар»**, дедилар».

Насоий ривоят қилган.

848. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу унга шундай айтиб берган: «Биз ғорда турганимизда бошимиз тепасидаги мушрикларнинг оёқларига назар сола туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули, агар улардан бири оёғига назар солса, оёғи остида бизни кўради-я», дедим. **«Ҳой Абу Бакр! Аллоҳ учинчилари бўлмиш икки киши ҳақида нима гумон қиляпсан?»** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

849. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Туёққа таклиф қилинсам ҳам, бораман. Менга туёқ ҳадя қилинса ҳам, албатта қабул қиламан»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.